



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

XVI сардоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 64 (9.714) 2002 йил 3 июнь, душанба Сотувда эркин нархда

Навоий вилоят Кенгашининг сессияси

31 май кuni Навоий шаҳрида халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов нутқи сўзланди. — Навоий вилоятини Ўзбекистонимизнинг ўзига хос ва бетакор хазинаси, десак, ҳеч қандай муболага бўлмади, — деди давлатимиз раҳбари. — Бу ердаги кўпгина конлар ўзининг ноёб хусусиятлари ва захиралари нуктаи назаридан нафатқар Марказий Осиё, балки бутун дунёда камдан-кам топилади. Мамлакатимиз санъатининг фахри ҳисобланган йирик-йирик корхоналарда ишлаётган кўп миллатли аҳил жамоалар, оғир чўл шароитида тобланган фидойи инсонларнинг меҳнати билан бугунги кунда вилоят республикасида ишлаб чиқарилаётган нодир ва рангли металлнинг 69 фоизини, цементнинг 34 фоизини, минерал ўғитларнинг 41 фоизини етказиб бermoқда. Сессияда раҳбар кадрларни тарбиялаш,

улар билан ишлашнинг самарали тизимини яратиш, хусусан, уларни ўқитиш ва таърибсини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. (Юртбошимиз нутқининг тўла матни республика газеталарида эълон қилинди). Сессияда ташкилий масала кўрилди. Файзулло Дилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди. Президент Ислам Каримовнинг тавсиясига биноан Баҳриддин Рўзиев вилоят ҳокими этиб тасдиқланди. Сессияда сўзга чиққан Хатирчи тумани ҳокими Э. Турдимов, Навоий кон-металлургия комбинати бош мухандиси Е. Толстов, «Шамс-Навоий» кичик корхонаси раҳбари Ш. Жамолов, Навоий туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Ж. Ражабова ва бошқалар Президентимизнинг нутқидики қўйилган вазифалар барчани янада ташаббускорлик ва масъулият билан ишлашга ундашини таъкидладилар. (ЎЗА)



СУРАТДА: бунёдкор Талгат Тостамов «Габусқуриллиш-турт» шўба корхонасининг илгор ишчиларидан биридир. У айна кунларда шахримизнинг Шевченко кўчасида қурилаётган турар жой биноларини тиклашда гайрат кўрсатмоқда.

ҚИСҚА
□ «ОЛТИН мерос» халқаро хайрия жамғармасида бўлиб ўтган йилгилигида уюштирилди. □ 2-ТОШКЕНТ Давлат тиббиёт институтига талабалар ва ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган тадбир Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби, профессор Н. Аҳмедовнинг 80 йиллик таваллуғига бағишланди. □ «НАВОЛАРДА асп сардоси» Чилонзор туманидаги «Камолот» маҳалласида ўтказилган тадбир ана шундай номланди. Унда муқотоз куйиқўшиқлар ижроачилари бўлиши кекса санъаткорлар ёнга олинди. □ ЮНЕСКОДА туманидаги 235-бoғчада ҳам кўриқдаги мавзуда тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, икτισодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга орттиб бoраётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун кулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Қўйилган компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи гадаги энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:
2. замонавий ишончли ва ҳафсиз миллий маълумотлар ахборот базаларини яратиш, ахборот ресурслари ва хизматларининг бозорини ривожлантириш, ахборот алмасувиининг электрон шаклларида изчиллик билан бошқича-бошқича ўтиш;
3. реал икτισодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш;
4. мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юрталарининг таълим ҳараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллаш ҳамда уларни фoл қўлланадиган асосланган илгор таълим тизимларини кириштириш;
5. ахборот-коммуникация технологияларини соҳасида, биринчи навбатда дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини ишлаб чиқиш, республика, тармоқ ва маҳаллий ахборот-коммуникация тармоқларини шакллантириш, компьютер ва телекоммуникация техникасини ишлаб чиқиш соҳаларида ишлаш учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;
6. ахборот-коммуникация тармоқлари ва хизматлари конвергенциясини назарда тутган ҳолда мамлакатнинг барча ҳудудидики ахборот-коммуникация технологияларининг техникавий инфратузилмасини, шу жумладан кўча алоқа, IP технологиялари, бошқа замонавий телекоммуникация ва маълумот узатиш воситаларини жадал ривожлантириш;
7. миллий ва халқаро ахборот тармоқларида фoят тезкорлик билан кириб бoришни жорий этиш, аҳоли пунктлари, шу жумладан қишлоқ аҳоли пунктларининг уларга кириб бoришини таъминлаш;
8. сифатли маҳаллий дастурий махсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишни рағбатлантиришнинг самарали механизмин яратиш;
9. маҳаллий компьютер техникаси ва унга бўлгучи буюмлар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш.
10. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувofiқлаштирувчи Кенгаш тузилсин.
11. Белгилаб қўйилсинки, Мувofiқлаштирувчи Кенгаш компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида юқори мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.
12. Мувofiқлаштирувчи Кенгаш зиммасига қуйидаги вазифаларни ҳал этиш юклансин:
13. компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг замонавий халқаро тенденцияларга ва мамлакатни икτισодий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мос келувчи устувор йўналишларини белгилаш;
14. компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш учун кулай шарт-шароитлар ҳамда икτισодий омилларни вужудга келтириш юзасидан ҳукуматга таклифлар кириштириш;
15. компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш учун кулай шарт-шароитлар ҳамда икτισодий омилларни вужудга келтириш юзасидан ҳукуматга таклифлар кириштириш;
16. компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида оид дастурлар, лойиҳалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш;
17. ахборот-коммуникация технологияларини соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, жумладан мутахассисларни чет ёларда ўқитиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;
18. ахборот-коммуникация технологияларини соҳасида рақобат муҳитини шакллантиришга кўмаклашиш, инновация бизнесини, шу жумладан маҳаллий дастурий воситалар ва компьютер техникасини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, икτισодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини компьютерлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;
19. ахборот-коммуникация технологияларини соҳасида халқаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга, ахборот-коммуникация технологияларининг инфратузилмасини ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, хомийлик маблағлари ва грантларни жалб этишга, таъ-

лим муассасаларининг ахборот тармоқларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга кўмаклашиш.

4. Мувofiқлаштирувчи Кенгаш 2002 йилнинг 1 октябрга қадар: 2003-2010 йилларда телекоммуникация ва маълумот узатиш миллий тармоғини ривожлантириш дастурини; 2003-2010 йилларда давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш дастурини; 2010 йилгача бўлган даврда электрон тижоратни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.
5. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги этиб қайта ташкил этилсин ҳамда унга қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин: маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон-телеграф ва почта алоқаси, матбуот тарқатиш, маълумот узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет, радиоалоқа, радио эшиттириш ва телевидение тармоқларини барпо этиш, фаолиятини йўлга қўйиш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги стратегик устувор йўналишларни рўёбга чиқариш;
6. почта алоқаси тизими фаолиятини бошқариш, телекоммуникациялар ва ахборот узатиш тармоқларини ривожлантириш давлат томонидан бошқариш, ушбу соҳаларда рақобат муҳитини вужудга келтириш, тегишли фаолият турларини лицензиялаш;
7. ахборот тизимлари, телекоммуникациялар ва маълумот узатиш тармоқларини ривожлантириш ҳамда тақомиллаштиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шарт яратиш;
8. замонавий халқаро стандартларни жорий этиш, телекоммуникация ва ахборот технологияларига оид маҳаллий стандартларни, техник шартлар ва талабларни ишлаб чиқиш, уларни тасдиқлаш;
9. ахборот ресурслари бозорини ривожлантириш, давлат бошқаруви, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳаларида, шунингдек жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ахборот алмасувиининг электрон шаклларида ўтиш дастуриларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш.
10. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувofiқлаштирувчи Кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин.
11. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги 2002 йилнинг 1 августига қадар йирик хорижий ва маҳаллий компьютер ҳамда ахборот компаниялари билан биргаликда Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказини ташкил қилсин.
12. Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари жамғармасининг номи Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси деб ўзгартирилсин.
13. Бюджетдан ташқари жамғармага маълумот узатиш тармоқлари ва ахборот технологияларини ривожлантириш соҳасидаги устувор лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш вазифаси юклансин.
14. Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилсин.
15. 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб Тошкент ахборот технологиялари университетида дастурий махсулотлар ишлаб чиқиш, тармоқ технологиялари, кўча радиотелевизион алоқаси, электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлашни назарда тутилсин.
16. 2006 йилнинг 1 январьгача бўлган мuddатта: республикада олиб келинаётган компьютер маълумотларини узатиш тармоқларини барпо этишга мўлжалланган асбоб-ускуналар, компьютер техникаси ва унга бўлгучи буюмлар, шунингдек дастурий воситалар бoжона тўловларини (божона расмийлаштириш учун йўналиш бундан мастасно) тўлашдан; компьютер ва ахборот технологияларига ўқитиш бўйича хизматлар, дастурий воситаларни сотиш, шунингдек уларга сервис хизматлари кўрсатиш қўшилган қиймат солиғидан озод этилсин.
17. 2002 йилнинг 1 июлдан бошлаб дастурий воситалар ишлаб чиқариш, компьютер техникаси ва дастурий воситаларга сервис хизматлари кўрсатиш, аҳолига компьютер техникасида ва ахборот технологиялари билан ишлашни ўргатиш юзасидан хизмат кўрсатиш бўйича икτισодлашган ташкилотларга (уларнинг қатта-кичиклигидан хати назар) ягона солиқ тўлаш тартиби таътиб этилсин.
18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мuddатда мафзаадор идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар кириштирсин.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.
20. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2002 йил 30 май.

ОНА ВА БОЛА ШИФО МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni арафасида пойтахтимизда Республика Перинатал маркази фойдаланишга топширилди. У «Соғлом авлод» Давлат дастури доирасида ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломова марказнинг очилиш маросимига сўзга чиқиб, мамлакатимизда аҳоли саломатлиги, хусусан, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Мазкур замонавий тиббий марказнинг очилиши ҳам ана шундай эътибор ва ғамхўрликлар сирасидандир.

Саккиз бўлимдан иборат янги марказнинг асосий фаолияти оналар ҳасталаниши ҳамда ўлимининг олдини олиш, турли хил тумға нуқсонлар билан дунёга келган чақалоқларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат. У замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Муассаса Республика Скрининг маркази, Акушерлик-гинекология илмий-тадқиқот институти ҳамда болалар тиббиёт тармоқлари билан бевосита ҳамкорликда фаолият юртади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Х. Кароматов, Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдурахмонов иштирок этди.

Хулқар СОДИКОВА, ЎЗА муҳбири.

УНИВЕРСИАДА — 2002

Ғолиблар тақдирланди

Бир ҳафта давомида Бухоро шаҳри ва вилоятидаги стадионлар, спорт залларида ёшлик, жўшқинлик ва гузаллик уйинлари — Универсиада — 2002нинг ҳаяжонли ва қизиқари бeлашувлари бўлиб ўтди. Иккинчи бор ўтказилган универсиадада спорт турлари аввалидидан урта кўп ва энг кучли талаба-ёшлар иштирок этгани билан ажралиб турди.

Мусобақанинг сўнги кунларида урта жамоа билан иштирок этаётган пойтахт спортчиларининг Тошкент —1 жамоаси кўпгина спорт турлари бўйича галаба нашидасини сурди. Жумладан, волейбол бўлимида қизларимиз ва кўларимиз барча рақибларидан устун келган ҳолда биринчи ўринни эгаллашган бўлса, кўл тўпи бўйича ўсмирлар Бухоро вилояти вакиллари 29:21 ҳисобида, қизлар ҳам мезбонларини 23:14 ҳисобида енгиб ғолиб чиқиди. Баскетбол баҳсларида ҳам шаҳримизнинг биринчи жамоасига тенг келадиганлар топилмади.

Шунингдек, сузиш баҳсларида Андижон ва Наманган, кўл тўпи бўйича эса Бухоро вилояти қизлари жуда яхши натижаларни кўрсатиб, ишқибозлар олқишларига сазовор бўлиди.

Бухородаги янги йилнинг дағолиб жамоаларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Умумжамоа ҳисобида биринчи бўлган Тошкент шаҳри жамоасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Жаҳонда

● Бугун Козогистонда Марказий ва Жанубий Осиёдаги 16 мамлакат раҳбарларининг саммити ўз ишини бошлади. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Хиндистон ва Покистон раҳбарлари билан Қашмир мoжаросини барқарорлаштириш мақсадида алоҳида тарзда музокаралар ўтказиши ҳам кўзда тутилган.

● АКШ Президенти Жорж Буш яқин кунлар ичида Хиндистон ва Покистон келишмовчиликларини бартафоз этиш мақсадида ушбу минтақага мамлакат мудофoа вазири Дональд Рамсфелднинг бoришини маълум қилди.

● Покистон Президенти Парвез Мушарраф CNNга берган интервьюсида Хиндистонга ҳужум қилмаслик тўғрисидаги ҳужжатни имзоланиш таклиф этганлигини хабар қилган.

● Хорижий вакиллар Хиндистон ва Покистонни тарқ этмоқдалар. Икки мамлакатнинг баҳсли ҳудудлари чегараларида рўй бeраётган отишмалар кенг қулабдиқ урушга айланиб кетиши хавотирлиги бoисидан ана шундай йўл тутишга мажбур бўлимоқда. Хиндистон ва Покистон Қашмир яқинидаги бир миллион нафар ҳарбий хизматчини келтириб қўйган.

● Бугун АКШ Марказий Разведка Бошқармаси директори Жорж Тенет Исроил Бош вазири Ариэль Шарон билан музокара оlib бoриш учун Яқин Шарққа кeлади.

● Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин жаҳон ҳамжамиятининг Яқин Шарқдаги вазиятини ҳал этиш учун фoлoқ қатнашиши лoзимлигини таъкидлаган. Бу ҳақда Владимир Путиннинг Путин Президентини Хусни Мубаракка юборган мурожаатномасида қайд этилган.

● Кeча Грузияда маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларига сайловлар бўлиб ўтди.

● БМТ Бoш котиби Кофи Аннан Украинанинг НАТО Иттифоқи билан яқинлашишни бошлаш тўғрисидаги қарорини таъриқлади.

● Буюк Британияда қирoлича Елизавета IIнинг тахтага ўтирганлигининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар турт кун давом этади. Бикингем саройи боғида катта концерт ўтказилди. Унда 12 минг томошабин катнашди. Концертга чипталар лoтeрея ўйини тарзида тарқатилди. Бирок ушбу тантаналарга кeча рўй бeрган ёнғин соя ташлади. Ушбу ёнғин бартафоз этилди.

● Афғонистоннинг жануби-шарқий қисмига 300 дан орттик британиялик денгиз пeйдалари сафарбар этилган. Улар мамлакатнинг Покистон билан чегарадош ҳудудлари хавфсизлигини таъминлашда, шунингдек, толибларнинг мамлакатга ноқонуний кириш йoлилар ҳам назоратга олинди. Бу амалиётлар янги афғон ҳукуматида бўладиган сайловлар олдидан ўтказилмоқда.

● Европа Иттифоқи мамлакатлари ички ишлар вазирлари лoғал муҳожириларга қарши курашда ягона полиция қулиларини ташкил этишга келишиб олдилар. Биринчи сўнги ойнинг ўзиде Европанинг 25 аэропортида 4,5 мингга яқин лoғал муҳожирлар қўлга олинди. Уларнинг аксарияти Хитой, Африка, Жанубий Америкаданчиди.

● 1988 йили Шотландиянинг Лoкeрби шаҳарчаси омониде юз берган авиоҳалоқат билан боғлиқ ишга ҳали ҳам нукта қўйилгани йўқ. РАТА - ТАСС ахборот агентлигининг хабар бeришича, Ливия раҳбарияти халоқатга учраган «Пан-Америкен» компаниясига қарашли самолёт йўловчиларининг қариндошларига 2,7 миллиард АКШ доллари микдориде товон пули тўлашга рози эканлигини билдирди. Унга қўра, қурбон бўлган ҳар бир йўловчининг оиласига 10 миллион АКШ долларидан товон бeрилади.

● Кемеров вилоятининг кўмир конларидан бирида мeтан портлади. 4 киши тўпурқ остида қолди. Улар бeдарак йўқолган деб ҳисобланмоқда.

● Молдова Конституциявий суди республиканинг расмий ҳужжатларида ёзувларни рус тилига таржима қилишни кўзда тутувчи қонунни бeкор қилди.

● Яман давлатида «Ал-Қоида» халқаро террорчилик ташкилоти билан алоқадорликда гумон қилинаётган 85 киши асирга олинган. Мамлакат парламенти раисининг айтишича, асирлар «Ал-Қоида» ёки «Яман ислом жиҳоди» экстремистик гуруҳига қарашли бўлишлари мумкин. Ҳозирда уларнинг аксарияти сўроқ қилинган бўлиб, баъзилари устидан жиноий иш кўзғатилган.

● Япония фан ва маориф вазирлиги бир сонияда 300 триллион операция бажарадиган суперкомпьютер яратишни режалаштирганини эълон қилди. Ижро ҳараёни бeш йилга мўлжалланган ушбу лoйиҳанинг баҳоси 70 миллиард иен (550 миллион АКШ доллари)ни ташкил этади.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — 2002

Шов-шувли натижалар

Ўтган жума кuni Сеулда янги ҳашаматли «Сеул Уорлд Кап» стадиониде 9 миллион евро сарфланиб ўтказилган ажойиб ва бетакор тадбир — жаҳон чемпионатининг очилиш маросимиде сўнг биринчи бўлиб майдонга қурраи замин чемпионлари — Франция терма жамоаси ва Африка китъаси вакили Сенегал

мамлакатни футболчилари тушишди. Чемпионатнинг энг катта шов-шуву биринчи ўйиндаёқ юз берди. Франция термаси ўзининг энг яхши ўйинчиси Зинедин Зидансиде майдонга тушди. Десаи, Анри, Трезеге каби моҳир ўйинчиларнинг кeтма-кeт ҳужумларига қарама-қарши французлар рақибларни дарвозасини бирор марта ҳам ишғол қила олмадилар.

Қарши ҳужумларнинг бирида 30-дақиқада чап қанотдан узатилган тўпни қабул қилган Пал Буба Диоп қайта зарба билан ҳисобни очди ва чемпионатнинг илк тўпини киритган ҳолда сенегалликларни олдинга олиб қиди. Ушбу ўйин шу ҳисобда тугади.

Чемпионатнинг Уругвай — Дания терма жамоалари иштирокидаги учинчи ўйини ҳам жуда қизиқарли кeчди.

ФУТБОЛ

Данияликлар ҳужумчиси Ион Дайл Томассон боши билан икки тўп киритиб, ўз жамоасининг 2:1 ҳисобидаги галабасини таъминлади ҳамда чемпионатдаги дастлабки дублнинг муаллифи бўлди.

Германия ва Саудия Арабистони терма жамоалари ўртасидаги чемпионатнинг тўртинчи ўйинида энг йирик ҳисоб ва дастлабки хет-трик қайд этилди. Ўйиннинг 20-ва 25-дақиқаларида германияликлар ҳужумчиси Мирослав Клозенинг боши билан киритган икки тўпидан сўнг европалликлар олдинга ўтиб

Яна мағлубият

Доимо рақибларига ноқулай жамоа ҳисобланган пойтахтимизнинг «Трактор» футболчилари жорий йилда ўз муҳлисларини ранжитишмоқда.

ЎТГАН КУНИ

Зарафшонда ўтказилган XI тур баҳсида «Қизилқум» меҳмони бўлган тракторчилардан яна омад юз ўтирди. Кўпга майдонда тўла устулик қилган зарафшонлик футболчилар тошкентлик дарвозаси олдида кўпгина хавфли вазиятларни вужудга келтиришди. Ва Худойберга-

ЎТКАЗИЛДИ. Унда шахримизнинг бош жамоаси «Пахтакор» Кўкон-1912 футболчилари билан куч синашди. Акбар ЙУЛДОШЕВ

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг саҳифаси

МУСОҲАБА

Ҳамкорликда фаолият кўрсатяпмиз

Ҳозирги кунда шахримиз аҳолисининг аксариятидан «Меҳнат бўлимининг фаолиятдан хабардор-мисиз?» — деб сўрасангиз, «Ҳа, албатта, меҳнат бўлими аҳолини фақат иш билан таъминлабгина қолмай, балки ёрдамга муҳтож, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, вақтинча ишламаётган аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлар фаолияти борасида ҳам яхши ишларни амалга оширишда, деб жавоб берадилар. Биз шахримиз туманларида фаолият юритаётган меҳнат бўлимининг фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида ва Юнусобод туман меҳнат бўлимининг раҳбари Нозимахон Сулаймонова билан суҳбатда бўлдик.

— Юнусобод тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш» қонунини амалга ошира бориб, меҳнат бозорини таҳлил қилиш, банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар «Бандлик» дастури асосида олиб бормоқда. Туманидаги 50 та маҳалла мавжуд бўлиб унда уч юз мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ҳар бир маҳалла шўбасининг назоратига ҳудуд бўйича маҳаллалар бириктирилган. Меҳнат бўлимининг назоратлари ва маҳаллалар оқсоқоллари биргаликда иш олиб бораётганлиги тўғрисида ҳам асосан иш билан банд этиш, қайта ўқитиш муаммоларини ҳал этишга эришяпмиз. 2002 йилнинг 1 майига қадар туман маҳал-

лаларида мониторинг ўтказилди ва янги методика бўйича иш билан банд бўлмаган аҳолининг сони аниқланди. Мониторинг натижаларига кўра 4551 киши банд эмаслиги, шундан 899 нафари иш билан таъминлашга муҳтож эканлиги аниқланди. Иш қидирувчи сифатида эса 732 киши рўйхатга олинган. Биз шу ҳисоб-китоблардан келиб чиққан ҳолда ишга киришдик. Аввало туман бўйича 1198 та янги иш жойлари ташкил этилди, бу белгиланган истиқбол кўрсаткичларининг 100,2 фоизини ташкил этади. Шу жумладан 1100 та иш жойлари янги тузилган кичик ва ўрта бизнес корхоналаридадир.

— Меҳнат бўлимининг ижтимоий ҳимоя масаласида олиб бораётган ишлари хусусида нима дея оласиз? — Бўлимимиз аҳолини фақат иш билан таъминлаб қолмай уларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, вақтинча ишламаётган аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида 188 та кишига ишсизлик мақоми берилди. 11 кишига эса барвақт қарилик нафақаси тайинланди, 121 кишига нафақа тайинланди, 53 киши жамоат ишларига жалб этилди. Шу кунгача меҳнат бўлими томонидан 643 киши ишга жой-жойланди. Меҳнат бозорига рақобатбардор бўлмаган фуқароларимиз учун туманда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда 1532 та махсус иш жойлари ташкил қилиш борасида фаолият олиб боришмоқда. Янги очилган корхоналарда 208 та махсус иш жойлари ташкил қилинган.

— Меҳнат бўлимига мурожаат қилган фуқароларнинг касби мавжуд иш жойларига тўғри келмас бу муаммо ўз ечимини қандай топмоқда? — Биз фуқароларга агар тўғри келса касбини ўзгартириш, қисқа муддатли курсларда ўқиш учун йўлланма берамиз. Албатта буларнинг бари бепул, ўқиш даврида стипендия ҳам тўланади. Истаган ёшларни Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳошидаги ўқув марказига ўқига юборамиз. Шу кунгача ўқув марказига 109 та йўлланма берилди ва ёшлар турли мутахассисликлар: ЭХМ оператори, ҳисобчи, сартарош, котиба, тадбиркорлик соҳалари бўйича таълим олмақдалар. Маҳаллаларда эса усталар томонидан «Усто—шогирд» тўғрақлари ташкил қилиниб, ёшларимиз миллий кийим тикиш ва бошқа хунарлардан сабоқ олмақдалар.

Шунингдек, Қарияларни кадрлаш йилида маҳаллаларда ёлғиз яшаётган қарияларга, ногиронларга, кўмакга муҳтож ҳар бир инсонга меҳнат бўлимининг ўзининг беминнат ёрдамини кўрсатмоқда.

Шоира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди.

Эндигина мактабни тугаллаган ёшларнинг аксарияти олий ўқув юртига кириб ўқишни орзу қиладилар. Орзу айб йўқ. Лекин омад ҳар кимга ҳам бирдек насиб этавермайди. Ҳўш, ўқигани кира олмаган ёки қўлида бирой «касба-хўнари бўлмаган ёшлар қаерга, кимга мурожаат қиладилар?



ЯРМАРКАЛАР

БАРЧАГА МАЪҚУЛ БЎЛДИ

Шайхонтоҳур туман Меҳнат бўлими томонидан ўтказилган навбатдаги «Бўш иш жойлари» ҳудудий меҳнат ярмаркаси ҳудди мана шу мақсадни қўзлаб ўтказилди.

— Ярмаркамизга асосан 11-синф битирувчиларини ва архитектура институтининг битирувчи талабаларини тақлиф этдик, — дейди Шайхонтоҳур туман меҳнат бўлими раҳбари Масуд Каримова. — Натига ёмон бўлмади. Ёшлар ўзларини қизиқтирган барча соҳалар бўйича корхона ва ташкилот вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлидилар. Бўш иш ўринлари, корхонадаги яратилган имконият ва имтиёзлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлидилар. Шу кунги бизга 212 нафар фуқаро мурожаат қилган бўлса, улардан 173 нафари аёлларни, 148 нафари ёшларни ташкил этди.

Бизнинг асосий мақсадимиз ёшларни ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш, хунарга йўналтиришдан иборатдир. Бирон хўнари, касб-кори бўлмаган ёшларнинг аксарияти ҳаётда қўқиб қолади. Меҳнат бўлимининг ҳар қандай ҳолатда ҳам кўмак сўраб келган кишига имкон қадар ёрдам беришга тайёр. Ишга жойлашмиш, агар ўқуви етса янги касб ўрганиши учун бепул ўқишга юборамиз. Бугунги ўтказилган ярмарка асосан ёшларга қаратилган бўлсада катталар ҳам иштирок этгани мени қувонтирди. Улар жуда кўп саволлар, ечимини кутаётган муаммолар бўйича аниқ маълумотлар олишди. Сабоби бу ерга келган корхона вакиллари мурожаат этган ҳар бир фуқарога фақат бўш иш ўрни ҳақида

эмас, корхонадаги иш шароитини, маош, ишчиларга яратилган имтиёзлар ҳақида тўлиқ маълумот бердилар. Шу кунги корхона ва ташкилотларда ишлаш учун 41 нафар кишига йўлланма берилди. Қисқа муддатли ўқув курсларига эса 23 нафар киши йўлланма олди. Биз шу биргина ўтказилган меҳнат ярмаркамизда бир нечта фуқарони иш билан таъминлаганимиздан, ишловчи ва иш билан таъминловчи ўртасида беминнат воситачи бўлганимиздан, фуқароларимиз ўртасида меҳнат бўлими фаолияти ҳақида «аниқ ва ишончли ҳамкор» деган фикр уйғота олганимиздан, савобли ишчимизнинг натижалари яхши кўрсаткичлар бераётганидан беҳад мамунимиз.

Меҳнат ярмаркасида қатор корхона ва ташкилотлар: «Малика» АЖ, «Тошкент метрополитени», «Пахтакор», спорт-машгулот давлат унитар корхонаси, «Туронмаркази» қўшма ташкилотлари, 159-қўриқлиш трестига қарашли 8, 53, 21, 70-қўриқлиш бошқармалари, туман ободонлаштириш бўлими, «Шайхонтоҳур махсусхўнари» ўзларидики бўш иш ўринлари ҳақидаги кўрғазма ва стендлари билан иштирок этидилар. Режада эса йил давомида яна мана шундай ҳудудий меҳнат ярмаркаларини икки-уч марта баъта ўтказиш мўлжаллаб қўйилган.

Уз муҳбиримиз. СУРАТЛАРДА: Шайхонтоҳур тумани меҳнат бўлими томонидан ўтказилган меҳнат ярмаркасида лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



САВОЛ СИЗДАН, ЖАВОБ БИЗДАН

ПЕНСИЯ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГАМАНМИ?

Ҳурматли таҳририят ходимлари, Мен 11-гуруҳ ногирониман. Ҳеч қаерда ишламайман. Яқинда отам вафот этдилар. Мен боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эгаманми? Шу тўғрида маълумот олишни истар эдим.

М. Назарова.

Ҳа, сиз боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эгасиз. Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларида боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейинчалик кун кечириб учун зарур маблаб манбалардан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Куйидагилар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланадилар:

а) болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар 16 ёшга тўлмаган бўлса ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмаган ногирон бўлиб қолган бўлсалар. Бунда ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилияти ота-онаси бўлмас;

б) ота, она, ўғай ота, ўғай она, хотин, эр, башарти, улар пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлсалар;

в) ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъий назар, ота ва онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлган қадар боқиб билан машғул бўлса ва ишланмаса;

г) бува ва буви — агар қонунга мувофиқ уларни боқиб шарт бўлган кишилар бўлмаса;

ўқувчилар 18 ёшга тўлганга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган фарзандлар, улар фарзандликка олинганларида ҳам бу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Уғай ўғил ёки ўғай қиз, агар улар ота-оналаридан алимент олмаган бўлсалар, ҳақиқий фарзандлар сингари пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Уғай ота ва ўғай она, агар вафот этган ўғай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлганга қадар камда 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлсалар, ҳақиқий ота ва она сингари пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ушбу Қонуннинг вафот этганлар оилаларига тааллуқли ҳамма қоидалари бепул йўқолганларнинг оилаларига ҳам, (агар боқувчининг бепул йўқолганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса), тегишли равишда жорий қилинади.

Икки ярим миллионга яқин аҳоли истиқомат қилувчи, кундан-кунга чирой очиб бод бўлиб бораётган, замонавий осмонўпар биноларни кўркам кўприкларини, ихчам ва қулай янги халқа йўли узукка кўз қўйгандек ярашиб тушган гўзал пойтахтимизни бир зумга бўлса-да жамоат транспортисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар кун минглаб трамвай, троллейбус ва автобуслар, микроавтобуслар, ер ости саройлари орқали эса тезурақ метро поездлари ҳамшаҳарларимиз узогини яқин қилиб, уларнинг таҳсинларига сазовор бўлмоқда. Албатта, улкан шаҳарнинг ўзига хос муаммолари бўлганидек, унинг жамоат транспортини бошқариш, барча йўналишларни жой-жойига қўйган ҳолда самарали фаолият кўрсатишининг ўзи бўлмайди. Бунинг учун тинимсиз изланиш, мавжуд имкониятлардан умумли фойдаланиш, самарали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш жоиздир.

Бизнинг Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорт корхоналари ташкил этилганлигига ўн йил тўлаётган кунларда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, «Тошшаҳарйўловчиторанс» Давлат уюшмаси бошқарувининг раиси Равшан Файзуллаев билан мулоқотимиз ҳам шахримиз жамоат транспортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида кечди.

— Равшан Фатхуллаевич, «Тошшаҳарйўловчиторанс» Давлат уюшмаси тизимида кейинги пайтларда амалга оширилаётган хайрли ўзгаришлар ва янгиланишлар хусусида сўзлаб берсангиз.

— Дарҳақиқат, ўн йил жуда оз муддат бўлса-да, бироқ «Тошшаҳарйўловчиторанс» корхоналари олди-га қўйилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлаб, ўтган вақт ичида бир канча салмоқли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳозирги замон халқаро талабларига ва шаҳар аҳолисининг ўсиши микёсларига жавоб берадиган йўловчи ташиш транспортини бошқариш тизимини босқичма-босқич шакллантира бориб, «Тошшаҳарйўловчиторанс» Давлат уюшмаси корхоналарини икки босқичли бошқариш йўналишига ўтилди.

Шунингдек, уюшма тизимида бозор муносабатларини ривожлантириш мақсадида, нодавлат мулк шаклидаги 29 та корхона ташкил этилди. Транспорт хизматлари бозорига аниқ рақобатли муҳит шаклланди. Давлат уюшмасининг бевосита иштирокида Тошкент шаҳар хусусий йўловчи ташувчилар уюшмаси тўзилди. Ташкилий таркиблар тақомиллаштирилмоқда ва корхоналарни бошқаришнинг замонавий технологиялари жорий қилинмоқда. Корхоналарнинг илғимий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда «Тошшаҳарйўловчиторанс» Давлат уюшмаси корхоналарининг ялпи даромади бир ойда 2,5 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этмоқда. Тасаруф этиш сарф-ҳаражатларини камайтиришчи молиявий усуллар жорий қилинмоқда.

— Албатта, ходимлар, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига муҳим эътибор қаратилгандагина ишда самарали натижаларга эришиш мумкин. Уюшмада бу борадаги ишлар қандай йўлга қўйилган? Ёш ходимлар захираси ва улар билан олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.

— Уюшмамизда ҳар бир ходим ва унинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояланishiга алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Уларга хизмат кўрсатиш йўлида ҳозирги замон ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 150 ўринли стационар тиббиёт-санитария қисми фаолият кўрсатмоқда. Оқшо тоғ этазидаги «Автомобилич», Тошкент шаҳри ичидаги «Трамвайчи», Ангрэн тоғ ён бағрида Стрельцов номидаги соғломлаштириш оромгоҳларида ҳар йили 4550 нафардан болажонлар дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бундан ташқари бошқа турли маданий-маиший мажмуалар фаолият кўрсатмоқда.

Уюшмада ўтган ўн йилда ишчи ва раҳбар кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Иқтидорли ёш мутахассисларимизга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига йўлланма бердик. Бугунги кунда академияни муваффақиятли тамомлаган тўртта ёш мутахассис раҳбарлик лавозимларида ишлашяпти. 35 ёшгача бўлган 30 та мутахассис кадрлар захирасига киритилган бўлиб, улар билан тасдиқланган режага асосан малака ошириш ишлари олиб борилаёпти. Бугунги кунда мақсадли тайёргарликдан ўтган ёш кадрларимиздан икки нафари туман ҳокими, биттаси туман ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тайинланган.

Олий ўқув юртида 78 та, коллежларда 20 та ходимимиз ва уларнинг фарзандлари ўқишмоқда, уларнинг кўпчилиги контракт, тўлов шартномаси билан корхона ҳисобидан таълим олишяпти.

Фақат жорий йилда Тошкент автомобиль йўллари институти талабаларидан 1300 дан ортиғи ишлаб чиқариш амалиётини уюшмага қарашли корхоналарда ўтказишди. Ҳар йили 50 дан ортиқ институт ва коллежга тамомлаган ёшлар уюшмага қарашли корхоналарга ишга жойлаштиришди.

— Шаҳримизда тез-тез бутунлай янги русумдаги автобусларнинг йўналишларда юрганиши, синовдан ўтаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу ҳаракат таркибининг янгилаш мақсадида хо-

Ҳамкорлик самаралари

Бундан 30 йил муқаддам Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ўз фаолиятини бошлаган эди. Шу ўтган давр ичида бу олий ўқув юртининг ўқув-моддий негизи янада мустаҳкамланди. Қатор янги кафедралар очилди. У ўзининг тажриба амалиёт даргоҳларига эга бўлди.

Институтнинг халқаро ўқув ва илмий алоқалари кенгайди. Бугунги кунда Осие кардиохирурглар жамияти, унга қарашли Енсей университети тиббиёт коллежи билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Бу сана муносабати билан олий ўқув юртида «педиатрия хизмати ва врач-педиаторларни тайёрлашда замонавий технологиялар» деган мазмунда илмий-амалий конференция ўтказилди.

Енсей университети кўма-

риждаги етакчи транспорт корхоналари билан ҳам мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилганлигидан далolat беради, албатта.

— Кейинги пайтларда хоржий инвестицияларни жалб этишда қулай шароит яратиш учун кўплаб режалар ишлар амалга оширилмоқда. Ҳаракат воситаларини янгилаш ва модернизациялаш ишлари замонавий «Кароса», «ДЭУ», «MAN», «Мерседес-бенц», «Отайл» автобуслари, Чехияда ишлаб чиқарилган трамвайлар ва троллейбуслар, Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган метро вагонларининг бир кеча-кундузда 2,5 миллион йўловчи ташиш ишига қўшаётган улкан ҳиссаси ҳисобига амалга оширилмоқда. Бундан ташқари жаҳонга машҳур транспорт ишлаб чиқарувчиларнинг 20 га яқин автобуслари ҳозирги кунда Тошкент шаҳри шароитида турли йўналишларда синовдан ўтказилмоқда. Булар Чехиянинг «Кароса», Жанубий Кореянинг «ДЭУ», Германиянинг «MAN», «Мерседес-бенц», «Ситора» ва бошқалардир.

— Йўловчи ташиш транспортининг ривожини ва унинг истиқболлари ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.

— Ўтган давр ичида 22,5 километр узунликдаги янги трамвай, 115,2 километрик троллейбус йўллари, 55 киловатт-соат қувватга эга бўлган 19 та трансформаторли подстанциялар, 15 та назимлар пунктлари, 3 та ёқилги қўйиш шохобчалари қуриб фойдаланишга топширилди. Зўр маъмурият билан қайд қилиш жоизки, метрополитеннинг Юнусобод йўналишининг 6 бекат, 7,5 километрдан иборат биринчи навбати Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрамига тўхфа қилинди.

«Мерседес-бенц», «Отайл» автобуслари, «Татра» трамвай вагонларига янги ташкил этилган сервис хизмати кўрсатиш марказлари мақсадли фаолият кўрсатиб, мазкур русумдаги ҳаракат воситаларининг техник тайёргарлик коэффициентини 95-96 фоиз бўлишини таъминламоқда.

2000 йилда метро вагонларини капитал таъмирлайдиган ҳамда керакли эҳтиёт қисملарни ишлаб чиқарадиган янги электродоповозга туширилди.

МДХ ва хориждан валютага сотиб олинган эҳтиёт қисм ва ускуналарнинг кўп қисмини уюшмага қарашли санаят корхоналарида ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Бугунги кунда уларнинг турлари 954 тадан ошди. Агар 2000 йилда 15 миллион сўмлик (35 минг АҚШ долларига тенг) эҳтиёт қисм ишлаб чиқарилган бўлса, 2001 йилда 88,5 миллион сўмлик (130 минг АҚШ долларига тенг), жорий йилнинг ўтган 4 ойда эса бу кўрсаткич 60 миллион сўмга (85,7 минг АҚШ долларига тенг) тенг бўлди. Бу рақамлар эҳтиёт қисм ва ускуналарнинг ўзимизда ишлаб чиқаришнинг қисқа вақт ичида тури ва сонини кўпайтирганимиздан далolatдир. Бу долзарб муаммони ҳал этишда Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида жойлашган йирик санаят корхоналарининг ҳам жалб қилиниши муҳим омили бўлди.

Аҳолига транспорт хизматининг ривожини режа асосида олиб борилаёпти.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2000 йил 12 февралдаги 91-сонли қарори билан маъқулланган «Шаҳар йўловчи ташиш транспортини ривожлантириш концепцияси» ишлаб чиқилган. Унинг биринчи босқичида белгиланган тадбирлар тўлиқ амалга ошди. Айримларида-юқорида қисқача тўхталиб ўтдим.

Концепциянинг иккинчи босқичида транспорт корхоналарининг моддий-техника базасини ривожлантириш давом эттирилади. 2002-2003 йилларда метрополитеннинг Юнусобод йўналишининг давом эттириш ҳамда «Собир Раҳимов — Сергели» йўналишини лойиҳалаш ва қурилишини бошлашга тайёргарлик режалаштирилган.

Шунингдек, хоржий сармояларни жалб қилиш ҳисобига шаҳар йўловчи ташиш транспортини янгилаш ҳам кўзда тутилган бўлиб, 300 та «Мерседес-бенц» автобуслари, 74 та «Татра» трамвайлари ва 100 та «Шкода» троллейбусларини сотиб олиш режамизда бор.

Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоизки, уюшмамиз мутахассислари мейёрли-ҳуқуқий базани тақомиллаштиришда ҳам фойдаланишмоқда. Бинобарин, мутахассисларимиз мамлакатимизда қабул қилинган «Шаҳар йўловчи транспорт тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг автомобиль транспорти тўғрисида»-ги Қонулар, 2001-2005 йилларда шаҳар транспортини ривожлантириш ҳақидаги Концепция ва 30 дан ортиқ мейёрли-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда бевосита қатнашдилар.

Аҳолига транспорт хизмати бозорига хусусий ташувчиларнинг жадал қилиб келиши билан ўзига хос рақобат пайдо бўлди. Уларнинг тартибли ишлашини ташкил қилиш мақсадида бевосита уюшмамиз ташаббуси билан «Йўловчи автохизмат» масъулият чекланган жамияти ташкил қилинди. Бугунги кунда 1200 дан ортиқ ташувчилар билан 101 та йўналишда ишлашларига шартномалар тузилди. Йўналишлар асосан танлов (тендер) асосида бириктирилди.

Шунингдек, шаҳар аҳолисига транспорт соҳасида хизмат кўрсатишнинг барқарор шароитларини вужудга келтириш мақсадида транспортнинг барча турлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказ тузилиши ҳам назарда тутилган.

Амалга оширилган барча ишлар «Тошшаҳарйўловчиторанс» Давлат уюшмаси корхоналарининг 18 минг кишилик жамоасининг тер тўқиб ишлаганлиги натижасидир.

— Суҳбат учун ташаккур. Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

ТАДБИРЛАР

Тошкент ирригация ва кишлққ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улугбек туман бўлими вакиллари, олий ва ўрта махсус ўқув юртилари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлар раислари, мактаблар етакчилари, корхона ҳамда ташкилотлари раҳбарлари иштирокида «Камолот» — ёшларнинг чинакам таянчи ва суянгичи бўлиши» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

«Камолот» — чинакам таянч

Мирзо Улугбек туман ҳокимини вакиллари ҳам иштирок этган ушбу тадбирда «Камолот» уюшмаси Мирзо Улугбек туманидаги фаолият, ютуқ ва муаммолари хусусида сўз борди. Мунозара-суҳбат тарзида ўтган анжуманда асосан камчилик ва муаммоларни бартараф этиш масалалари, ёшлар ҳаракати фаолиятини янада фаоллаштириш истиқболлари муҳокама этилди.

Шунингдек, Мирзо Улугбек туманида ёшларнинг жиноят қў-

